

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ

Акмалхон Ахатжонович САЙИТХОНОВ

доцент в.б.

фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Фарғона давлат университети
Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада жамият тараққиётини таъминлашда миллий ғоя ва ижтимоий масъулиятнинг ўрни ҳамда аҳамияти таҳлил қилинган. Миллий ғоянинг жамиятни бирлаштирувчи ва тараққиётга йўналтирувчи омил сифатидаги хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, ижтимоий масъулиятнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш, шахснинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва барқарор тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти илмий-назарий жихатдан асослаб берилган.

Таянч сўзлар: миллий ғоя, ижтимоий масъулият, жамият тараққиёти, фуқаролик жамияти, маънавият, миллий кадриятлар, тараққиёт стратегияси.

ЗНАЧЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ И СОЦИАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ОБЩЕСТВЕННОГО РАЗВИТИЯ

Акмалхон Ахатжонович САЙИТХОНОВ

и.о. доцента

Доктор философии по (PhD) философским наукам
Ферганский государственный университет
Фергана, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируются роль и значение национальной идеи и социальной ответственности в обеспечении развития общества. Освещены особенности национальной идеи как фактора, объединяющего общество и направляющего его к развитию. Также научно-теоретически обосновано значение социальной ответственности в формировании гражданского общества, повышении социальной активности личности и обеспечении устойчивого развития.

Ключевые слова: национальная идея, социальная ответственность, развитие общества, гражданское общество, духовность, национальные ценности, стратегия развития.

Ҳозирги глобаллашув шароитида жамият тараққиётини таъминлаш ҳар бир давлат олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тараққиёт нафақат иқтисодий ўсиш, балки маънавий, маданий ва ижтимоий соҳаларнинг ҳам изчил ривожланишини талаб этади. Бу жараёнда миллий ғоя ва ижтимоий масъулият муҳим омил сифатида намоён бўлади. Миллий ғоя жамият аъзоларини умумий мақсадлар атрофида бирлаштиради, ижтимоий масъулият ҳар бир фуқаронинг жамият олдидаги бурчи ва масъулиятини англашини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақиллигининг қўлга киритилиши, мамлакатимиз халқининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-маърифий турмуш тарзида улкан силжишларга замин яратди. Жамият тараққиётини юксалтириш ва ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантириш борасидаги вазифалар миллий ғоя, унинг асосий қоидаларига бўлган қизиқишни сезиларли даражада оширди. Мустақилликка эришганимиздан кейинги давр жамиятимиз тарихида миллий ғояни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, унинг тарихи ҳамда назарий асосларига алоҳида эътибор қаратилган саҳифа бўлди. Миллий ғоя мамлакатимиз фуқароларида ижтимоий масъулият феноменини мустаҳкамлашда, Ўзбекистонда фаровон ҳаёт, озод ва обод юрт барпо этиш йўлида хизмат қиладиган яхлит ва изчил таълимот ҳисобланади.

Миллий ғоянинг бош мақсади – ушбу юртда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларни улугвор келажак ва буюк мақсадлар сари бирлаштириш, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватанга нисбатан доимо масъулият ҳис этиб яшашига ундаш, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб қолган миллий қадрият ва анъаналарга муносиб бўлишга эришиш, юксак ғазилат ва камолотга етган инсонларни вояга етказиш, уларни ижодий меҳнатга чорлаш, шу муқаддас тупроқ учун фидойиликни ҳаётнинг асоси қилиб белгилашдир. Шу билан бир қаторда жамият тараққиётини таъминлашда миллий ғоя ва ижтимоий масъулият қанчалик муҳим эканлиги ёрқин намоён бўлади. Миллий ғоя тамойилларини

ҳамда ижтимоий масъулият туйғуларини фуқаролар қалбига сингдириш Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида юксак салоҳиятли, билим ва идрокли, иқтидорли ёш авлодни камол топтириш, бошқача айтганда қонунқоидаларга риоя қиладиган, фуқаролик масъулиятини ҳис этадиган, демократик жамият талабларини қондирадиган баркамол шахсни шакллантириш вазифаси бош мақсад ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳалардаги ислохотлар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, жамиятдаги ўзгаришлар ва тараққиёт жараёнлари миллий ғоя ҳамда фуқароларнинг ижтимоий масъуллигида ўз аксини топади. Миллий ғоянинг иқтисодиёт учун қанчалар муҳим ва зарур эканлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларида ёрқин ифодаланган. Айниқса, “Давлатнинг инновация янгиланиш дастурини белгилаш, инновация ва инвестициялардан унумли фойдаланадиган янги авлод мутахассиларини, янги тадбиркорлар синфини тайёрлаш ғоят муҳим аҳамият касб этади”. Бунинг учун Ўзбекистонни технология жиҳатдан ривожлантириш ва ички бозорни замонавийлаштириш бўйича мустаҳкам миллий ғоя, миллий дастур зарур [1;116].

Ижтимоий масъулият иқтисодий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳаларида ўзбек давлатчилиги тарихи, давлат бошқаруви анъаналари тизимининг такомиллашуви, миллий тарихий мерос ҳамда миллий ўзлигимизни англаб етишимизга, ўзига хос маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни чуқур ҳис этиб яшашимизга кўмаклашади. Бугунги ижтимоий тараққиёт, ахборот инқилоби, глобаллашув жараёнлари, жаҳон майдонларини таъсир доирасига олишга бўлган интилишлар ва бу борадаги рақобат шароитида ижтимоий масъулият туйғусини кескин ривожлантириш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда ёш авлоднинг қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, миллий ғояга садоқат руҳини сингдириш, фуқаролар, биринчи навбатда, ёшларда миллий ғурур ва ифтихор ҳиссини тарбиялаш ва

кучайтириш мафкуравий сиёсатдаги устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Миллий ғоя ва ижтимоий масъулият келажимизни аниқ тасаввур эта билиш, жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустахкамлаш, фуқароларда ғоявий бўшлиқ вуджудга келишига имкон бермаслик, юртимизнинг юксак тараққиётини кафолатлаш каби вазифаларни амалга оширишда бекиёс аҳамиятга эгадир. Баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш Ўзбекистон давлати ва жамияти стратегиясининг энг муҳим вазифалардан бири бўлганлиги боис, бу йўналишда ижтимоий масъулият алоҳида ўрин тутди.

Ҳар қандай жамият муайян манфаатлар ҳамда мақсадлар заминиди узлуксиз тараққий этиб боради. Ана шу эзгу ниятларни ҳаётга татбиқ этишда келажимизнинг эртанги кун эгалари бўлмиш ёшларни юртга содиқ, ҳар бир соҳада масъулиятли, ҳалол ва инсоний фазилатларга хос этиб тарбиялаш катта ижтимоий аҳамият касб этади. Бу таълим-тарбия, фан, маданият, маърифат, адабиёт, санъат, дин, спорт сингари тарбиялаш воситаларини қамраб олади. Ёшлар қалбиди ижтимоий масъулият, миллий қадрият, урф-одат, анъаналар, миллий меросимиз, тарих, она тилимизга муносабат тарзида аста-секин шакллани боради. Миллий ғурур, ифтихор, маънавий маданият, ижтимоий-сиёсий билимлар ҳам худди шу йўналишда сингдирилади.

Фуқароларда, айниқса, ёшларда ижтимоий масъулият, мустақил фикр юритиш қобилиятларини шакллантириш жамият тараққиётида асосий ўрин тутди. Бунга эришишнинг энг самарали йўли ёшларда соғлом тафаккур ва илмий дунёқарашни камол топтиришдир. Бу ислохот ёшларда эл-юрт олдидаги маънавий, ижтимоий масъулиятни тўғри англашни, миллий урф-одат ва анъаналаримизнинг ноёблигини миллий ғоя орқали уларда она Ватанга муҳаббат уйғотишни, уларни мустақил фикрлайдиган шахслар сифатида тарбиялашни тақозо этади.

Миллий ғояни инсонлар қалбига сингдириш давомида ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик, халқ манфаати учун фидойилик каби маънавий

фазилатлар шакллантириб борилади. Зеро, миллий ғоя ўта мураккаб ва айни пайтда ўта нозик омилдир. Чунки у миллатнинг ҳис-ҳаяжони, ор-номуси, ғурури билан боғлиқдир [5; 221].

Жамият ривожланишида ижтимоий масъулият ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий масъулият инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари оқибатларини англаши, жамият ва давлат олдидаги вазифаларини виждонан бажариши билан боғлиқ тушунчадир. Ижтимоий масъулиятли шахс қонунларга риоя қилади, атрофдагилар манфаатларини ҳурмат қилади ҳамда мамлакат тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилади.

Миллий ғоя ва ижтимоий масъулият тарғиботи жараёнида ёшлар тарбиясига доир қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади;

ёшларимиз онгида эзгу ғояларга садоқат ҳиссини уйғотиш асосида уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш;

ёшларда мустақил фикрлаш малакаси ва қўникмасини ривожлантириш; тарғибот жараёнида ёшлар онгли раишда, ўз ақл-идроки, умуминсоний манфаатлар ва миллий ғоя тамойилларига таяниб яшашга ўргатилади.

“Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак” [2; 114], деб алоҳида таъкидлайди Президентимиз Ш.Мирзиёев.

Ўзбекистон мустақил тараққиётининг ҳар бир босқичида амалга оширилаётган ислохотлар инсон учун, унинг эҳтиёж ва манфаатлари учун хизмат қилиб, ислохотлар натижасида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, дини ва маслагидан қатъи назар, шахс сифатида ўзини намоён этиш, ўз ҳаётини яхшироқ, муносиброқ этиш, маънавий бойитиш имкониятига эга бўлади.

Инсонпарварлик – одамзоднинг қадри, эркинлиги, қобилиятлари ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш, инсоннинг бахт-саодати, тенг

ҳуқуқчилиги, адолатли ҳаётини таъмин этишга интилиш жараёнларини ҳам ўзида ифодалайди. Ижтимоий масъулият инсоннинг ўз фаолияти натижалари учун жавобгарлик ҳис қилиши ҳамда жамият манфаатларини шахсий манфаатлар билан уйғунлаштириш қобилиятини англатади. Ижтимоий масъулиятнинг шаклланиши ҳуқуқий маданият, маънавий тарбия ва фуқаролик онгининг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир.

Ижтимоий масъулиятли фуқаро конунларга риоя қилади, жамоат ишларида фаол иштирок этади, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳисса қўшади ва мамлакат тараққиёти учун ўз билим ҳамда салоҳиятидан самарали фойдаланади. Бундай фуқароларнинг кўпайиши жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Замонавий фалсафа ва социологияда ижтимоий масъулият барқарор тараққиётнинг муҳим мезонларидан бири сифатида баҳоланади. Чунки тараққиёт нафақат иқтисодий ўсиш, балки инсон капиталининг ривожланиши, ижтимоий адолат ва фуқаролик фаоллигининг юксалиши билан ҳам белгиланади.

Миллий ғоя ва ижтимоий масъулият бир-бирини тўлдирувчи ижтимоий-фалсафий категориялар ҳисобланади. Миллий ғоя жамият аъзоларида умумий мақсад ва қадриятларни шакллантирса, ижтимоий масъулият ана шу мақсадларни амалга ошириш механизми вазифасини бажаради. Масалан, мамлакат тараққиёти, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш каби умуммиллий мақсадларга эришиш ҳар бир фуқаронинг ижтимоий масъулияти юқори бўлишини талаб этади. Миллий ғоя фуқароларда Ватан тақдири учун дахлдорлик ҳиссини уйғотса, ижтимоий масъулият ушбу ҳисни аниқ амалий ҳаракатларга айлантиради. Шу сабабли ёшларда миллий ғояга садоқат ва ижтимоий масъулият ҳиссини шакллантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёти учун мустаҳкам ижтимоий асос яратади. Бу борада Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни узлуксиз ривожлантиришимиз зарур.

Сир эмаски, ҳозирги вақтда аксарият одамлар “мафкура” деган сўзга бироз ҳадиксираб қарайди, уни демократик жамиятга бегона деб ҳисоблайди. Лекин биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз” [3; 293].

Инсонда ижтимоий масъулият бўлса, одамнинг ўзида ҳам муайян дунёқараш билан боғлиқ миллий ғояга садоқат етакчи майлга айланса, унда ижтимоий моҳият биринчи ўринга чиқиб, одам инсонга айланади. Профессор И.Каримовнинг фикрича, “бугунги кунда иймон муаммосига илмий ёндашиш боғоят муҳим бўлиб турибди. Маънавият ва маърифатнинг бутун йўналиши, жумладан, диний маърифатнинг ғоявий йўналиши ҳам одамларни ҳоҳ ислом, ҳоҳ христианлик, ҳоҳ буддавийлик, ҳоҳ илмий-маърифий йўл билан бўлсин, имонлилик руҳида тарбиялашга қаратилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Бунинг учун индивидуал онгда, ижтимоий онгда ҳам имонни нафақат диний исломий, шу билан бирга фалсафий мазмуни ҳам борлиги англаб олиниши бағоят муҳимдир” [4;163.].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, миллий ғоя ва ижтимоий масъулиятнинг уйғунлиги фуқарони, фуқаролар жамоасини жамият олдидаги бурч ва мажбуриятларини англашини таъминлайди. Масъулиятли фуқаролар қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлади, жамоат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўяди ва мамлакат тараққиётига фаол ҳисса қўшади. Натижада жамиятда ижтимоий барқарорлик, ўзаро ишонч, ҳамжиҳатлик ва фуқаролик фаоллиги мустаҳкамланади. Миллий ғоя ва ижтимоий масъулиятнинг уйғунлиги ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбияси, фуқаролик позициясининг шаклланиши ҳамда миллий тараққиёт стратегияларининг самарали амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис миллий ғояни аҳоли онгига чуқур сингдириш, ижтимоий масъулият маданиятини юксалтириш ва бу жараёнда таълим, оила ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини кучайтириш жамиятнинг барқарор ва изчил ривожланишини таъминловчи устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. Демак, миллий ғоя ва

ижтимоий масъулият жамият тараққиётининг маънавий-мафкуравий асоси сифатида мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий барқарорлигига хизмат қилади ҳамда тараққиётнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: O‘zbekiston, 2022.
4. Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. – Тошкент: Фан, 2001.
5. Отамуротов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.